



Дунёда мамлакатлар, ўша мамлакатларда турфа миллат ва халқлар кўп. Уларнинг барчасини бирлаштирадиган умуминсоний қадриятлар борки, шу туйғайли тили, дини, жуғрофий жойлашуви, давлат тузилмаси турлича бўлишига қарамай, улар ўртасида глобал ҳамкорлик ва ҳамжихатлик учун бирлашиш истаги кучли. Агар турли давлатлараро муносабатларнинг туб илдизига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг раҳбарлари ҳар сафар тинчлик ва ҳамкорлик манфаатлари юзасидан бир ерда тўпланганларида ўша ўзлари яшаб турган мамлакатдаги ёшлар, болалар, оналар манфаатини кўпроқ ўйлаб, мулоқотларини бошлайдилар.

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОНАЛАР ҲАҚАТ ТИНЧЛИК ИСТАЙДИ

Кўни кеча мамлакатимиз раҳбари муҳтарам И.А. Каримов иштирокида ўтган иккита муҳим халқаро анжуман ҳам, бизнингча, ана шундай муштарак ниятлар туйғайли рўй берди. Биз ўзбекистонлик хотин-қизлар ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг шу йил 15 июнь кўни Шанхай шахрида бўлиб ўтган мажлиси ҳамда 17 июнь кўни Қозғистон Республикасининг Олмаота шахрида бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитидаги Президентимизнинг нутқларини жуда катта қизиқиш ва диққат билан тинглаб, бутун жаҳоннинг барча оналари қалбидаги эзгу тилак ва истақларни умумлаштиришда Ўзбекистоннинг позицияси жуда аниқ ва қатъий эканлигидан гуруландик.

римининг мақсад-муддосини тушунайидиганлар, аниқроғи, тушунишни хоҳламайдиганлар ҳам борлиги бизни ташвишлантиради. Олмаота саммитида Президентимиз ўта ҳушёрлик ва эҳтиёт билан таъкидлаган «дунёда содир бўлаётган у ёки бу воқеани баҳолашда "икки ёқлама стандарт"ларни қўллаш ҳолатларининг кўзга ташланаётганлиги» ана шундай маҳалларимизда, халқ орасида жамоатчилик ташаббуслари билан амалга оширилаётган ишларимизни кимлардир писанд қилмаётганлиги, уларнинг «демократик рамакалари — доиралари»га тўғри келмаётганлигида эмасми?

Шаҳар бедарвоза бўлмаганидек, бизнинг юртимизда ҳар бир маҳалла, ҳар бир

риб ўрганайлик, нега бундай бўлди, демагмиз-ку? Чунки бизнинг асрий маданиятимиз бунга йўл қўймайди, андишани кўрқоклик, дейиш эса, айрим Ғарб ОАВ вакилларига хос бўлган ҳолатдир. Нима бўлганда ҳам, биз, ўзбекистонлик хотин-қизлар ҳамиша яхши ният билан яшаймиз ва яхшиликка интиламиз. Бу — бизнинг асл муддосимиз, ҳаттоки, муқаддас Ислоом динимизда ҳам инсон учун яхшиликка интилиб яшаш, яхши ният қилиш энг муҳим қадрият сифатида эътироф этилган.

Биз, ўзбекистонлик кўп миллионли оналар, ўз фарзандларининг буюк келажагини ўйлаб кечаю кундуз меҳнат қилаётган фидойилар Юртбошимизнинг юқорида таъкидланган Халққаро анжуманлардаги ҳар бир сўзларидан тўққинландик, юртимиз келажагига, унинг тақдирлардан ҳоли бўлишига ишонч ҳис қилдик. Зеро, онанинг эрта тонгдан то кўра кечгача боласи учун, оиласи, ўзи учун ягона тилақларидан бири тинчлик, хавфсизликдир. Биз шунга тўла ишонимизки, давлатимиз раҳбари бошлаган, ҳукуматимиз режалаштирган бирор иш самарасиз бўлмаган. Демак, ШХТ мажлиси, Олмаота саммитида қабул қилинган, миллионлаб томошбинлар, газетонлар, тинловчиларда қўли таассурот қолдирган Юртбошимиз нутқларида кўтарилган тинчликпарвар позиция барқарор бўлди.

Ўзбекистон хотин-қизлари бошқа ижтимоий қатламлари қаторида узок ва чуқур қадриятлар йилдизига эгга бўлган халқнинг вакиллари сифатида глобаллашу шароитида ҳам уруф-одатлари, Ватан тараққийи ва халқ фаровонлиги йўлида Юртбошимиз белгилаб берган тараққиёт йўлидан оғишмай бораверамиз. Зеро, максимиз авлодларга, ўзимиз умид ва ишонч билан ўлғайтираётган, тарбиялаётган фарзандларимизга обод ва озоқ Ватанини умуминсоний қадриятларга эид келмайдиган, миллий урф-одатларимизнинг сарчаси маҳалларидан иборат буюк меросни қолдиришдан иборатдир. Бу йўлда бизга, энг аввало, тинчлик сўв ва ҳаводай зарур. Биз турли галамис фикрлар билан хотин-қизларни, ҳали онги шакллари билан улғурган фарзандларимизни чағлатишга уринаётган экстремистик оқимлардан, сохта демократияни байроқ қилиб олиб, булар бўлмаста бошқа давлатлар ишларига аралашуврадиганлардан қўрқмаймиз, айрим давлатларнинг «икки ёқлама стандартлар» сифосини қабул қилмаймиз. Узимиз танлаган, халқ иродасига мос келадиган тинчлик ва фаровонлик йўлидан Юртбошимиз раҳбаримизга оғишмай бораверамиз.

Бугун биз фарзандларимиз, ўғил-қизларимиз илмли, билимли, касб-хунарли бўлишлари учун қўлимиздан келган барча чораларни қўярямиз. Иқтисодчи олимлар тўплаган маълумотларга қўра, Марказий Осиё худудида давлатларда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган харажатлар учун ҳукуматнинг инвестициялари бир шароитда айрим Ғарб давлатларида бу борадаги қўлай шайш 15 фоизни ташкил этибди. Лекин биз буни бо-

диллардан ҳоли бўлишига ишонч ҳис қилдик. Зеро, онанинг эрта тонгдан то кўра кечгача боласи учун, оиласи, ўзи учун ягона тилақларидан бири тинчлик, хавфсизликдир. Биз шунга тўла ишонимизки, давлатимиз раҳбари бошлаган, ҳукуматимиз режалаштирган бирор иш самарасиз бўлмаган. Демак, ШХТ мажлиси, Олмаота саммитида қабул қилинган, миллионлаб томошбинлар, газетонлар, тинловчиларда қўли таассурот қолдирган Юртбошимиз нутқларида кўтарилган тинчликпарвар позиция барқарор бўлди.

**С.ИНОМОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Хотин-қизлар қўмитаси  
раиси, сенатор.

## Сенатор минбари

Давлатимиз раҳбари таъкидлагандаридек, «ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари ва хавфсизлигининг яхшилиги таъминланган ҳолда келиб чиқиб, ҳаммамиз учун умумий бўлган таҳдидларга қарши курашда бўлиб олушдаги турли иш-тутум муҳим аҳамият касб этади». Президентимиз ва бошқа давлатларнинг раҳбарлари чиқишларининг биз учун ўта муҳим жиҳати шундаки, ШХТнинг интеграция жараёнларини кенгайтиришдаги салоҳияти, энг аввало, замон таҳдидларига қарши биргаликда курашиш ғоясидир. Акс ҳолда, Ер юзидати барча тинчликсевар инсонлар бирлашмасалар, Юртбошимиз Олмаота саммитида таъкидлагандаридек, «миллионлаб одамларнинг умидсизликка тушиши ва ўз ён-атрофида рўй бераётган воқеаларга ишончсизлик билан қарашига сабаб бўлади».

Шу ўринда ишонч ҳақида, биз, аёллар мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларга, айниқса, юртимиздаги салкам 13 миллионлик хотин-қизлар ва фарзандлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган, Президентимиз имзо чеккан барча Фармон ва фармойишлар, қарорлар ҳамда давлат дастурларининг ички ва узоқни қўзғаб ҳаётга татбиқ этилаётганлигига ишонамиз. Бунинг ёрқин исботи — ушбу ишларни янада кўтаринки савияда ва албатта, хотин-қизларнинг фаол иштирокида ўтказишга қаратилган Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўриватлаш бора-сидига қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» Фармони ва ҳукуматнинг ушбу Фармон ижросини таъминлашга қаратилган қарори қабул қилинганлигидир. Мана, икки йилдан зиёд вақат ичда юртимизда бу борада жуда кўп хайрли ва муҳим ишлар амалга оширилди. Хотин-қизлар қўмитаси тараф ҳар бир маҳаллага, қарак бўлса, ҳар бир оиллага кириб чиқди. Айни пайтда мана шу савий-ҳаракатла-



## Китобхонларга совға


Термиз шахри марказида икки қаватли мўъжазгина китоб дўкони ши бошлади. «Шарқ зейвори» акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган янги дўкондан хорижий ва республикамиз ёзувчилари томонидан яратилган ижтимоий-сиёсий, адабий, бадий ёнашидаги адабиётларни харид қилиш мумкин.

Бундан ташқари, жамиятнинг яна учта совдо шохобчалари ши бошлаб, бир ой давомида 7 млн. сўмлик китоб харид қилинди. Жами мажмур китоб савдоси нўқталарида 25 млн. сўмлик китоб савдога чиқарилган.

Жамият яқин орада унинг бошқа туманларида ҳам китоб савдосини йўлга қўйиш устида ши олиб бормоқда.

ЎзА фотомуҳбири Искандар Ҳўжаев олган ушбу суратда Термиз шахридаги янги китоб дўкони совҳачлари Нилуфар Шодиева билан Мастура Ойназарова расмларини тўлдирши билан банд бўлган лаҳзалар акс эттирилган.

# Тамал зўрми, амал?



Тахририятга келган хатни ўқиб, беихтиёр «Ўзинг пиширган бўтқани ўзинг е» деган ҳикмат ёдга тушади. Ейишга яроқсиз таомни пиширган мутасаддилар уни ўзлари ея олмай, бировга ўтказишга ҳаракат қиладилар...

## Мавзуга қайтиб

### Хат

Хурматли тахририят, бизнинг ўтган йилдаги мурожаатимиз бўйича муҳбирлар ахволни ўрганиб, ҳазратлигиз саҳифасида «Хомталаш» (2005 йил 23 декабрь) ва «Ғавво топиш шунча осонми?» (2006 йил 24 февраль) мақолалари ва бу мақолаларда кўтарилган масаланинг тўғри эканини исботи сифатида Андижон вилояти прокурори Б. Деҳқоновнинг «Тендер савдо» (2006 йил 6 апрель) сарлавҳали жавоби эълон қилинган эди. Хусусан, прокурор жавобида бизнинг қорхоналаримиз Андижон вилояти Давлат мулки бошқармаси тендер комиссияси 2004 йил июнь ва октябрь ойларида ўтказган тендер савдоларини ноқонуний деб топиш учун ҳужжат ва фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво билан мурожаат қилгани ва бу даъволар қаноатлантирилиб, мажмур тендер савдолари ноқонуний деб топилди, бекор қилингани таъкидланган эди.

Ҳақиқатан ҳам, биз ҳақ жойида қарор топганидан хурсанд бўлиб, яна бутун куч ва имкониятларимизни бунёдкорлик ишларига сарфлар эдик. Бироқ хотир-жамлигимиз узоққа чўзилмади. «Йиқилган курашга тўймас» дегандаридек, вилоят Давлат мулки бошқармаси худудий Тендер комиссияси худудий ҳокимлигининг «Андижоннома» газетасида (2006 йил 22 апрель) ана шу объекتلарнинг янгида тендер савдоларига қўйилгани тўғрисида эълон берди.

Ажабо, бу нима деган гап? Ахир у ой мубоинида гап ташиқотларнинг «иқтисодий ноҳор, зарар қўриб ишлаётган, паст рентабелли давлат қорхоналари» сифатида тендерга қўйилгани ноқонуний бўлгани охири судлар томонидан эътироф этилган ва тендер савдолари бекор қилинган бўлсин-да, «сен эмас, мен зўрман» дегандек, яна янги тендер савдоларини ташкил қилиб турмиш!

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги «Давлат мулкнинг айрим объектлари инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериши жаддалаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида»ги қарориде тендер савдосига паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган ва иқтисодий ноҳор давлат қорхоналарини «ноллий харид вариантда» инвесторларга бепул бериш кўрсатилган.

Бизнинг қорхоналаримиз паст рентабелли ҳам эмас, зарар қўриб ишлаётган ҳам, иқтисодий ноҳор ҳам эмас ва энг асосийси — Низом жамғармаларимизда давлат улуши йўқлиги бир неча мартаба исботланган.

Бу қўрилиш ташиқотлари 1964 йилда тузилган «Облкомхозстрой» трестининг бўлимчалари — кўма механизациялашган колонна (ПМК)лари бўлган. У жамоа ҳўжаликлари паёчиларининг пайи асосида вужудга келган. Кейинчалик паёчилар билан турли шаклларда ҳиоб-китоб қилинган ва қорхоналар жамоа мулки бўлиб қолган. 2001 йилга келиб, «Узқоқхозстрой» трести тугатилган. Давлат мулки қўмитаси акциядорлик жамиятлари тузиш асносида қўрилиш қорхоналари мулкларига ўзбосимчилик билан

89-91 фоизга эгадорлик қилиб, қатор буйруқлар чиқарган. Бироқ бу буйруқлар қозғоқда қўлиб кетди, қорхоналар акциядорлик жамиятига айланб улгурмай, 2003 йилда Президент Фармонига асосан, Низом жамғармаси 50 миң АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлгани учун бошқа мулк шакли — масъулият чекланган жамиятларга айлантирилди ва бунга тегишли расмий тўқоқномалар олинган. Шу жараёнда юқоридаги буйруқларнинг айримларини Давлат мулки қўмитасининг ўзи бекор қилди ва охири 355-сонли буйруқнинг биринчи инстанция судида бекор қилинганини Олий ҳўжалик судининг 2006 йил 30 январдаги ажримиде тўғри деб тоғиди.

Бинобарин, мажмур объекتلари Давлат мулки қўмитасининг Андижон вилояти худудий бошқармаси мутасаддилари сохта ҳужжатлар тўплаб, тендер савдосига қўйиш учун қарорнинг иловасига кириб олишган. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг те-

гишли моддаларига асосан жиноий жаовбарликка тортиладиган хатти-ҳаракат эканилигига, сохталик ва ноқонунийлик ҳўжалик ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан эътироф этилган бўлишига қарамай, маъмурий органлар томонидан ҳўқуқий баҳо берилмади. Натижада ҳозир қорхоналаримиз яна ўша «ноҳор давлат қорхонаси» сифатида тендер савдосига қўйилмоқда.

Бу ҳолатларнинг ҳеч қандай солиғи сизимаслиги кейинги савий-ҳаракатларда янада равшанроқ кўзга ташланади: вилоят Давлат мулки бошқармаси судларнинг тендер савдолари ноқонунийлиги учун бекор қилган қарорлари устида қассия шикоятлари киритишган. Ҳали қассия судларининг қарори чиқмасдан — суд бўлмасдан қилиб, янгида тендер эълон қилиб боришди! Ана энди, агар мабодо уларнинг қассия шикоятлари қаноатлантирилмаса — янги тендер ноқонуний бўлиб қолаверди, агар қаноатлантирилса, ундан ҳам баттар — қўрилиш

- Марҳамат 112-ҚИМЖ бошлиғи Ш. СУЛАЙМОНОВ,
- Изобосин 119-ҚИМЖ бошлиғи О. АҲМЕДОВ,
- Олтиқўл 101-ХИМС бошлиғи Ф. ҚАМБАРОВ,
- Шоҳрихон 125-ҚИМЖ бошлиғи Ш. ОХУНОВ.

## Тахририятдан:

Юқоридаги хатда ва бу хатда эслатишган «Хомталаш» ҳамда «Ғавво топиш шунча осонми?» сарлавҳали мақолаларда деярли ҳамма гап айтаман. Айни пайтда ҳатто судлар томонидан тендер савдолари ноқонуний ўтказилгани учун у бекор қилинганда кейин ўша объектларга нисбатан янгида тендер савдоларини эълон қилиш, юмшоқ айтаманда, ажабланарли ҳолис.

Бу хатни эълон қилишдан олдин муҳбиримиз яна Андижон вилояти Давлат мулки бошқармасига борди. Мақсад иккита саволга жавоб олиш эди: а) ушбу қўрилиш ташиқотлари мулкида, эълонда таъкидланган 90 фоиздан ортиқ «давлат улуши» мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан ташиқот; б) ушбу ташиқотларни «иқтисодий ноҳор, паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган» қорхоналар сифатида республика идорасига тақдим этилган ҳужжатларни кўриш.

Агар бу икки саволга жавоб топилмагани ва нима учун йўқлиги баён этиладиган бўлса, яна ўша икки мақоладаги гаплари бошдан-оёқ такрорлашга тўғри келади. Хулосаси шунки, вилоят Давлат мулки бошқармаси бошлиғи Б. Асранкулов иштирокида унинг қабилда ҳўқуқсунос-маслаҳатчиси М. Тўйчиев, яна бир масъул ходими, «Бинокор» уюшмаси бошқарувчисининг ҳўқуқли масалалар бўйича ўринбосари Э. Ашуров ва «Халқ сўзи» муҳбири иштирокида ҳўжатлар атрофида ўтказил-

ган бир соатга яқин суҳбат-мунозара давомида иккала саволга ҳам жавоб олинмади, тасдиқловчи ҳўжатлар кўрсатилмади. Бунинг ақсини тасдиқловчи ҳўжатлар сохта керагича тақдим этилди ва охири раҳбарнинг «Бизни ҳам тушунишлар, қарорнинг иловаси рўйхатида киргандан кейин биз тендер савдолари ўтказмасдан иложимиз йўқ» деган важи билан хайрлашилди...

Ана шу рўйхатта бу объектлар қандай қилиб тақдим этилгани, қанақа ҳўжатлар асосида киргани эса ҳамон жумбоқлигича қолди...

Олий ҳўжалик судида эса, мутахассислар 2006 йил 30 январда бу иш бўйича чиқарилган қарор «Бинокор» уюшмаси таркибиде давлат улуши йўқлигини билдиришини таъкидлади.

Қўнун ва қарорларнинг «давлат улуши борми-йўқми?» деган бандларини ҳам бир четга қўя тўрайлик-да, масала давлат, халқ манфаати юзасидан ёндашадиган бўлсақ, ишлаб турган —

кўркам лицей ва коллежлар кураётган, мактабларни таъмирлаётган, бунёдкорлик билан шуғулланаётган иқтисодий баркамол қўрилиш ташиқотларини сохта ҳўжатлар тақдим этиб, тендерда бошқа бировларга сотиб, ишлаб турган юзлаб одамларни ишсиз қолдириш қиларга, нима учун керак? Айнан ноқонуний деб тоғилган тендерда Избосқандаги бакуват 119-қўрилиш ташиқотини бепул қўлга киритган «инвестор» бир неча йил олдин Андижон туманидаги худди шунча бакуват 105-ПМКни хусусийлаштириш сотиб олгани ва ҳозир ундан ном-нишон қолмагани, ўтган йилдаги тендерда Олтиқўлдаги 101-ХИМСни бепул ютиб олган инвестор бугун у эриқ арқо омборига айлантириб қўйгани оддий ҳақиқат — катта сабот бўлмаганмикин?

Бугун ҳўкумат қарорлари панохда, қўриш ўрнига бузиш билан шуғулланиш қонунга ҳам, инсоф ва диниётга ҳам маъқул келмаслигини унутмасак, эртага эл-порт оғлида ҳам, вичқон оғлида ҳам юзимиз шувут бўлмайди...

ротномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда) 345-моддасининг олтинчи қисми «244»-рақамидан кейин «244» рақами билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонунни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда; № 12, 417, 418-моддалар) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 130-модданинг санкциясидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача» деган сўзлар «энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 156-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ нузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озоқликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаён-шароф ва кадр-

№ 1-2, 23-модда; № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда; № 12, 417, 418-моддалар) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 130-модданинг санкциясидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача» деган сўзлар «энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 156-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ нузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озоқликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаён-шароф ва кадр-

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 20 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонунни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил,

далар билан тўлдирилсин:

«184»-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ёки тарқатиш, — материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

184»-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, — материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб



Тилга эътибор — элга эътибор

Хар бир халқнинг миллий бойликлари, дунё халқларига кўз-кўз қиладиган маданий обидалари, мақтанга арзигулик урф-одат ёки аъёнлари бор. Ана шундай маънавий бойликлардан бири — кишиларга қўйиладиган исмлардир. Исм, аслида, жуда катта маънавий мерос ҳисобланади. Негаки, улар орқали миллатнинг юзи, эътиқод қиладиган дини ҳамда маданий савияси кўриниб туради. Ҳақиқатан ҳам, исмлар миллий ифтихор рамзи саналади. Шу сабабли ҳар бир исмнинг тўғри талаффузи эътилоши ҳамда беҳато ёзилиши ниҳоятда муҳимдир.

Исмимиз — ҳуснимиз

Шу маънода, ўзбек исмларига назар ташланса, ҳам қувонарли, ҳам ачинарли ҳолга гувоҳ бўлиш мумкин. Қувонарли томони шундаки, ўзбек исмлари мазмунан ранг-баранг бетакор бўлиб, асл келиб чиқиш манбаига кўра, бир неча тиллардан ўзлашган.

маъносидаги Нейматулла исми Неймат — Нигмат — Нигмат шаклида айрилиб, шу тарзда ёзилиши қонда тусини олди.

Собиқ шўро даврида эса биз ўзбекча исмлардаги луғавий маъноларни ҳам, исм ортадаги оруз-ниятларни ҳам унутта бошладик. Оқир-оқбатда ҳам талаффузда, ҳам ёзувда қатор камчиликлар рўй бера бошлади. Масалан, асл ўзбекча талаффуз қолиб, Дильдора, Зульфия, Батыр тарзидаги талаффузлар юзага келди.

Иккинчидан, исм ва фамилияларни ёзишда оддий имловий мейёрларга ҳам амал қилинмади. Даставвал, тузилган ҳақиқатда гувоҳномани ёздирдишда эътиборсизлик кучайди. Бунинг устига, айнан ўша идораларда ўзбек адабий тилини яхши билмайдиган шахсларнинг фаолият кўрсатгани ҳам саводсизликни янада кучайтирди. Натихада Арип, Ирғаш, Дура, Ходжаев, Юлчиев каби шакллар рас-

ий ҳужжатлардан жой олди. Ана шу ҳолат кейинроқ бериладиган аттестат, шаходатнома, диплом, фуқаролик паспорти, никоҳ қайдномаси, меҳнат дафтраси каби ҳужжатларда давом этверди. Баъзи ўзбекча исм-фамилияларнинг шакли ва мазмуни бутунлай ўзгариб, таний олмайдиган даражага бориб етди.

Кузатишлар шунки кўрсатадики, биз исмларнинг ёзилишига миллат манфаати нукта назаридан қарамаймиз. Масалан, Иброҳим, Раҳим исмлари шевалярида турлича айрилиш мумкин: Иброҳим, Ибрагим, Райим, Рейим, Рам ва х.к. Аслида улар ўзбек адабий тилида Иброҳим, Раҳим шаклида ёзилади. Қолган шакллар эса шевага хос кўриниш ҳисобланади, расмий ҳужжатларда кайд этилиши шарт эмас.

Истиқлол йилларида исм-фамилияларни ёзишда маълум ижобий ўзгаришлар бошланди. Аслида, бунга 1989 йилда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 25-моддаси асос бўлди: «Ўзбекистонда яшовчи фуқаролар, миллатидан қатъи назар, ўз исмини (бир ёки бир неча), ота исми ва фамилиясини (бир ёки бир неча) тарихий-миллий аъёнларга мувофиқ шаклда ёздирдиш ҳуқуқига эгадирлар. Исмлар, ота исми ва фамилияларнинг

ДСК матбуот маркази хабар қилади

Сохта ҳисобот

Самарқанд шаҳар солиқ хизмати ходимлари ўтказган навбатдаги қисқа муддатли текширишда «Эльвира плюс» масъулияти чекланган жамиятидаги бир қатор молиявий бузилишлар юзга калқиб чиқди. Жамият шу йилнинг 1-чорагида салкам 1 миллиард сўмлик товар айланмасини амалга оширганди. Лекин солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботда уни 45,5 миллион сўм қилиб кўрсатганди. Шу боис «Эльвира плюс» фаолияти чуқурроқ текширишдан ўтказилди. Натихада 287 миллион сўмлик харидорғир товарларни сотишдан тушган нақд пул маблағлари банкка топширилмагани ҳам аниқланди.

Йўл бўйида

«Ипак йўли» кўчаси Олмалик шаҳрининг марказий худудларидан ҳисобланади. Кўча ҳамisha одамлар билан гажум. Т. Усмонов ўзи тун бўйи тайёрлаган қўлбола ароқларини шу ерга олиб келиб, мўлжални тўғри олган экан — харидор тезда топила қолди.

Шаҳар солиқ хизмати ходимлари кўча бўйидаги савдо шохобчаларини кўздан кечириб, ноконуний савдо устидан чиқиб қолиши. Бу пайтда Т. Усмонов 122 шиша «Экстра» ёрлиқли қўлбола ароқ пулини харидор Р. Алимовдан санаб олаётган эди.

Кўча-кўйда ароқ сотиш тақиқлангани учун ҳам солиқчилар Т. Усмоновнинг ҳужжатларини суриштиришга киришдилар. У ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмади. Шундан кейин сохта тадбиркор ҳонадонда назорат тартибда текшириш ўтказилди. Аниқлаштиришда, ҳонадонда яширин ароқ чеки ташкил этилган экан. Цехдан сотувага тахт қилиб қўйилган 123 шиша қўлбола ароқ, 25 литр спирт, 8 дона респиратор филтри, 184 та бўш шиша, 180 та қопқок, 1 килограмм елим, қўлбола спиртли ичимликлар тайёрлашда фойдаланиладиган мосламалар топилди. Улар ашёвий далил сифатида олинди ва суриштирув ишлари бошланди.

Банкдан ташқарида

Яқинда Фарғона вилояти, Учқўприк туманидаги «Шавкат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аббор Хошимовга нисбатан Жиноят кодексининг бийрула учта моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Боси — у пул ўтказиш йўли билан 79,7 миллион сўмлик даромонлар ва қурилиш материалларини харид қилиб, бир қисмини қайта сотишдан тушган 48,1 миллион сўмини банкдаги ҳисоб рақамига ўтказмаган, савдо тушумларининг банкдан ташқарида айланмишига йўл қўйган, савдо жараёнида назорат-касса машинасида фойдаланмаган эди.

«Ўғилларимни ҳеч бекор қолдирмадим»

1942 йил 12 июлда Фарғона вилоятининг Кува туманидан урушга кетган Ҳожимамат Хасановдан уч-тўрт марта хат келди-ю, кейин дом-дарак бўлмади. Зулфия қўлида олти ойлик, ёнида 5 яшар ўғиллари Салимжон, Халилжон ва кекса қайнонаси билан қолаверди. Рўзгор тебратили учун энди у икки ҳисса кўп меҳнат қила болади. Сахар туриб, қайнонасига, болаларига парвона бўлади. Мол-қўйга қарайди. Кейин далага кетади. Бошқалар бир эгат гўза чопиқ қилгунча у икки эгатни қўлдан чиқаради. Бошқалар 50-60 кг. пахта терса, у юз килодан оширади. Баҳорда ипак куртини ҳам бошқалардан кўпроқ парваришлайди.

кор. Ягона қизи Табассумжон чевар, бахтли оила бекаси. Келинлар Маҳфузажон, Ойстакон, Тиллажон, Нарғизахонлар бир-биридан яхши. Қўлларидан ҳунарлари бор.

Кайнонаси ўғилнинг хатларига, йўлига кўз тутиб, кун йилгади, тун йилгади. Юракқиниси бардош беролмади. Унинг вафотидан сўнг қайнонаси «Зулфия уй топиб чиқиб кетсин» деб айтирди. «Аёл бошим-у, иккинчи гўдак билан мен чиқиб кетаманми?» демади. Колхоздан бир парча ер олди. Кундузи далада ишлаб, кечалари гуваля қўйди. Кеч қузғача бошпана тиклаб, ўғилларини олди-ю, чиқди-кетди. Совуқ тушгунча уйига эшик ҳам топди. Аммо дераза ўрнига қўрпа қоқишга тўғри келди.

қилардим. «Яхши ўқи, меҳнатдан қочма, ҳалол яша, беҳуда юрма. Эл-юртнинг қорига яра. Яхши муомалада бўл. Ҳеч қачон биронинг дилини оғритма», — дердим. Орқаларидан мактабига бориб, юриш-туришларини, ўқишларини сўраб келардим. Кеч кирса, кўчага чиқармасдим. Чиқишга вақтлари ҳам йўқ эди. Китобга қизиқтириб қўйгандим-да.

Уғилларимни жуда кичиклигидан бир дақиқа бекор қўймастлики онамдан ўрганганман, — дейди Салим ака. — Фарзандларни бекор қўйган баъзиларнинг минг афсус чеканларини ҳам кўрдим. Мен эса шукур қиламан.

Орамиздаги одамлар

Шукур, ёмон бўлишмади. Бировдан бир тарсаки емай, гап эшитмай, муттаҳамчилик қилмай, тўғри юриб, тўғри туриб, катта бўлишди. Халилжон ўғлим хатто харбий хизматда ҳам яхши ишлаб, икки сидра кийим-бош, совға-салом билан келди. Командирлари раҳматномалар юборишди. Салимжон ўғлим ҳам намунали хизмат қилиб қайтди. Кейин тўйлар қилиб, қишлоғимизнинг энг сара қизларидан — оластингил Ханифахон ва Кароматхонларни ўғилларимга олиб бердим...

Уғилларимни жуда кичиклигидан бир дақиқа бекор қўймастлики онамдан ўрганганман, — дейди Салим ака. — Фарзандларни бекор қўйган баъзиларнинг минг афсус чеканларини ҳам кўрдим. Мен эса шукур қиламан.

Ха, уруш йиллари ҳаммага қийин эди. Зулфия нолимади. Уғилларини оч қолдирмади. Чунки у энг қийналган пайтларида ҳам рўзгоридан мол-қўйни узмади. Халил билан Салимжон ҳам мол-қўйга ўт юлиб, сув бериб, тулпа-тузук чорвадор бўлиб қолишди. Улар хатто мактабга боришганда ҳам катта танлафуз чоғлари мол-қўйларининг ўт-сувидан хабар олишга улгуришарди.

Ха, Зулфия холининг ўғиллари Халилжон ва Салимжон Ҳожиматовлар шундай йигитлар бўлиб воёга етишдики, асти қўяверинг. Уларга қувалиқларнинг ҳаваси келади. Юриш-туришлари, тадбиркорлиги, ака-уканинг аҳиллиги, уй-жойларини соҳиб фарзандларига! Қудаларию ёру дўстларига! Халил ака бир умр колхозда бригадир бўлиб ишлади. Салим ака «Кува дон маҳсулотлари» корхонаси қурилишида хизмат қилди. Кейин бу ерда ёрдамчи хўжалик ташкил қилиб, кўп йиллар уни бошқарди. Ишчилару корхона ошхонасини гушт, сут, мена-чева билан таъминлади. Уғиллари Бахтиёржон, Йигитали, Қаҳрамон, Санъатжон — тадбир-

«Ўртимизда тинчлик бўлсин. Уйқуни эмас, меҳнатни севинглар. Ишинг қўзини билинглар. Тоza қўнгил, пок вийдон билан яшанглари!» деб ую қилгунчи эди у. Мен сўнгги марта кўрган борганимда, у очик айвон пештоқдаги қалдирғоч уясига ишора қилиб, деганди: — Яқинда денг, қалдирғочнинг болаларини қорқундан қўриқлай-қўриқлай, учирма қилиб юбордим! Раҳматли момонинг суониби айтган бу гапи менга «Болаларимни, набираларимни ёмонликдан, ишқамасликдан қўриқлай-қўриқлай, тинч, покиза йўлга, меҳнат йўлига солиб қўйдим!» дегандай туюлганди. Аслида ҳам шундай...

Санъат МАҲМУДОВА.

Мақом ижрочилари танлови

Хоразм вилоятининг Ҳонқа туманида Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаевнинг хотирасига бағишлаб мақом ва катта ашула ижрочиларининг республика танлови бошланди. Уни ўтказишдан асосий мақсад ўзбек мунгоз мусика санъатини ривожлантириш, ёшлар ўртасида мақом, катта ашула ижрочилигига бўлган қизиқшини ошириш, республикамизнинг турли вилоятларида истиқомат қилаётган ёш ижрочиларини кашф этишдан иборатдир. Танлов республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, халқаро «Олтин мерос» жамғармаси сингари бир қатор ташкилот ва идоралар томонидан ташкил этилди.

Олимлар ва мутахассисларнинг фикрича, лойқаланган дарё ва сой сувларини табиий филтрлашда юлгинзорларнинг аҳамияти ниҳоятда катта экан.

Дарё бўйларидан юлгинзорлар

Андижон вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси шу ҳудуддан ўтган дарё ҳамда сой бўйларидан юлгинзорлар ташкил этишни бошлаб юборди. Избоскан ва Андижон тумани ўрмончилари ҳамкорликда Қорадарё бўйларидан 146 гектардан иборат табиий филтрлаш майдонларини барпо этдилар.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Телефонлар: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

ТАХРИРИЯТДА ҲАЖМИ 5 ҚОҒОЗДАН ИБД МАТЕРИАЛЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАЙДИ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Ҳафтаси — 21.00 Топшириш — 22.00 1 2 3 4 5 6

Юртимизнинг азиз фуқаролари ва меҳмонлари! 2006 йил 14 июндан бошлаб ҳар ҳафтада бир марта, чоршанба кунлари 486-рақамли «Тошкент-Челябинск-Тошкент» йўловчи поезда ҳаракатланишни бошлади. Телефон: 199-76-27. Чипталарни «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг «Ўзтемирйўлийловчи» ОАЖ кассаларидан поезд жўнашидан 20 кун аввал харид қилишингиз мумкин. «Ўзтемирйўлийловчи» ОАЖ маъмурияти.

Vinlad СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD Вид деятельности — проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объектов любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности. Системы охраны периметров Навигационные системы Охрана трубопроводов Безопасность перевозок Контроль местонахождения транспортных средств Контроль расхода топлива ISO 9001: 2000 Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Table with 2 columns: Name and Position. Includes: Узеинжон Абдураманов, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси Иқтисодий назария кафедрасининг собиқ профессори Абдувоҳид АБДУҒАНИЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Table with 2 columns: Name and Position. Includes: «Товшапарковка» МЧЖ жамоаси жамият маслаҳатчиси Ралиқ Норқўжаева палари бузуқкорни, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника аρόбони Қодир ота НОРҚЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.